
Кўнгилли теримчи ва ҳашарчилар рағбатлантириб борилмоқда

Шу кунларда Фурқат туманида пахта йиғим-терими тобора қизғин паллага кирмоқда. Бюджет ташкилотлари ёки бошқа ташкилотлар ходимларини теримга жалб этмаган ҳолда, ҳосил уюлмаган аҳоли ва бошқа хоҳловчилар томонидан ихтиёрийлик асосида терилмоқда.

Ҳар килограмм пахта учун 1500 сўмдан иш ҳақи ўз вақтида бериб борилаётгани, теримчилар учун етарли шароитлар яратилгани мавсумни отряд усулида уюшган ҳолда ташкил этишда омил бўлмоқда.

Туман ҳокими Жаҳонгир Жуманов ушбу отряд теримчилари билан учрашиб, илғор теримчилар ва онахонларга эсдалик совғаларини топширди.

2022-09-19 12:16:45